

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказилди

// 18 январь 2023 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/14-yanvar-vatan-himoyachilari-kuni-munosabati-bilan-zakovat-intellektual-oyini-otkazildi>



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 20 январдаги ПҚ-96-сон қарори ижросини таъминлаш, 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини байрамини муносиб ўтказиш, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ходимларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, кучли билимга эга бўлган ходимларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратиш мақсадида «Ўзкимёсаноат» АЖда «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказилди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ марказий аппарати ходимлари ўртасида ўтказилган турнирга ташриф буюрган «Заковат» клуби аъзоси, мавсум чемпионларидан бири Темур Мирзаев Жамиятда «Заковат» интеллектуал ўйинини ҳамда илм-фанга эътибор юқори эканлигини алоҳида таъкидлади. Мазкур

турнир учун махсус саволлар ҳам айнан «Заковат» клуби билимдони томонидан тайёрланди.

Қизиқарли ва мурасасиз кечган беллашув 2 турдан иборат бўлди ҳамда жами 9 та жамоа иштирок этди. Яқунда Йиғма ахборот-таҳлил департаментининг **«Назоратчилар» жамоаси ғолиб бўлди ва фахрли 1-ўринни эгаллади.** Техник жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаментининг **«Платинум» жамоаси 2-ўринни қўлга киритди.** Инвестиция фаолиятини истиқболли ривожлантириш департаментининг **«Эрудит» жамоаси эса 3-ўрин соҳиби бўлди.**





[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat.uz)



[\(+99878\) 140-74-26](tel:+998781407426)







«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати